/

**43,91,97 -сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тўғрисида**

## 4-сонли ШАРТНОМА

2022 йил "5" январь Тошкент шахар

Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталадиган **ЧП «ABDUVALI OTA»** номидан Устав асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари Умаров.А.В бир томондан, матнда кейинги ўринларда буюртмачи деб аталадиган, Устав асосида фаолият юритувчи **Юнусобод тумани мактабгача таълим бўлими** номидан мудир Н.А.Ахмедова иккинчи томондан (кейинги ўринларда – томонлар) қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

### I. Шартноманинг предмети

1.1. Юнусобод тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги **43,91,97** -сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 3 (уч) маҳал (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик), ҳафтада 5 (беш) кун овқатлантириш мазкур шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Тарбияланувчиларни бир кунда 3 (уч) маҳал овқатлантириш бўйича 10 (ўн) кунлик таомнома **43,91,97** -сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти билан келишган ҳолда аутсорсер томонидан тузилади ва тасдиқланади.

1.3. Шартнома қиймати **43,91,97** -сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида шартнома тузилган кунда рўйхатда турган тарбияланувчилар сони ва маҳсулотлар нархларига мувофиқ 2 993 950 346,88 ( Икки миллиард тўккиз юз тўкксон ўч миллион тўккиз юз еллик минг ўч юз кирк олтти минг )сўм 88 тийинни ташкил этади.

Агарда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сони кўпайганида мазкур шартномага кўшимча келишув тузилади.

| Тарбия-ланувчи-лар сони | СанҚваМ бўйича бир нафар болани бир кунлик овқатлантириш харажати* | Шартнома амал қилиш муддати давомида иш кунлари сони | Жами харажат | Устама (ҚҚС билан) | | Шундан ҚҚС | Шартноманинг умумий қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | % % | сумма | | |
| 1 | 2 | 3 | 4=1x2x3 | 5 | 6=4x5 | 7 | 8=4+6 |
| 637 | 13 937,00 | 255 | 2 263 856 595 | 15;15 | 730 093 751,88 | 390 515 262,63 | 2 993 950 346,88 |

*) Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада келтирилади.

Ушбу шартнома тузилган кунда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида рўйхатда турувчи тарбияланувчилар сони - 637 нафар, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати – 13 937 (Ўн уч минг тўккиз юз ўттиз етти) сўмни ташкил этади.

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада, ойма-ой тўлов жадвали 2-иловада келтирилади.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Scanned with MOBILE SCANNER

1.4. Амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари асосида овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг тасдиқланган нархлари ўзгариши ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сонининг ўзгариши ҳисобига бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати шартномада келтирилганига нисбатан 15% ва ундан юқори кўрсаткичга фарқ қилган ҳолларда шартномага томонларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

## II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсернинг ҳуқуқлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат мактабгача таълим ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш;

кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш.

Аутсорсер қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.2. Аутсорсернинг мажбуриятлари:

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш хизматини давлат мактабгача таълим ташкилот ошхонасининг ўзида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

таомномаларни 10 кунлик намунавий таомномалар асосида ҳудудий давлат санитария эпидеомилогик осойишталиги хизматига бир нусха тақдим қилган ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш;

таомларни овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпазлар) билан таъминлаш;

таомномалар, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажариш;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олиш.

Аутсорсерга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

Таклиф қилинаётган инвестиция қисмидан имкон қадар ошхоналар камера билан жихозлансин.

2.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда ваколатли органларга билдирги киритиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига

Scanned with MOBILE SCANNER

мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш, мониторинг қилиш;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлаш.

Буюртмачи қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида мавжуд бюджет маблағлари ва ота-оналар тўловидан тушумлар ҳисобидан қоплаш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлаш.

Буюртмачига қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

## III. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

3.1. Давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳар куни эрталаб соат 9:00 га қадар шу куни давлат мактабгача таълим ташкилотига келган, овқатлантирилиши лозим бўлган тарбияланувчилар сони бўйича белгиланган шаклга мувофиқ аутсорсерга буюртма беради.

3.2. Аутсорсер давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиққан ҳолда таомнома тузади ҳамда ушбу таомнома асосида овқатлантиришни амалга оширади.

3.3. Аутсорсер ҳар 10 (ўн) кунда буюртмачига кунлик таомномаларни илова қилган ҳолда ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади.

3.4. Буюртмачи:

ҳар ойнинг 15 санасига қадар жорий ойнинг режавий иш ҳажмига (шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб 30 фоиз миқдорда олдиндан тўловларни амалга оширади;

аутсорсер томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси асосида кўрсатилган хизматлар бўйича маблағларни жорий ойнинг 25 санасига қадар аутсорсерга ўтказиб беради, жорий ойнинг қолган кунлари учун тўловлар кейинги ой учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказилади.

## IV. Шартнома бўйича жавобгарлик

4.1. Аутсорсер қуйидагиларга жавобгардир:

Scanned with
MOBILE SCANNER

овқатларни фақат давлат мактабгача таълим ташкилоти ошхонасининг ўзида тайёрлашга (истисно тариқасида Комиссиянинг қарори билан марказлашган ҳолда тайёрлаш ва етказиб бериш);

овқат тайёрлашда тегишли сертификат ва сифатни белгиловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга;

тайёрланган овқатларнинг амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигига;

тайёрланган таомларни технология қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланган таомларни тайёр ҳолдаги вазнига мутаносиблигига;

тайёрланган овқатларнинг сифати бузилмасдан болаларга берилишига, болаларга ачиган, айниган ва бошқа кўринишда ўз сифатини йўқотган овқатларни бермасликка;

таомномада маҳсулотларнинг ҳақиқий нархларини ҳамда ҳақиқатда овқатланган болалар сонини тўғри кўрсатилишига;

кунлик таомномаларни мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига белгиланган вақтда етказилишига;

ўзига бириктирилган ва тегишли шартномалар асосида вақтинча фойдаланишга берилган буюртмачининг мулкини бут сақланиши ва тежамкорлик билан фойдаланилишига;

кўрсатилган хизматлар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган шаклларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда буюртмачига тақдим этишга;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажаришга;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олишга.

4.2. Буюртмачи қуйидагиларга жавобгардир:

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топширишга;

кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловларни амалга ошириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳақиқатда келган тарбияланувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда аутсорсерга топширилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилишга, мониторинг қилишга;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлашга;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлашга..

4.3. Аутсорсер томонидан овқатлантириш хизматларини белгиланган вақтларда амалга оширмаса ёки Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи

Scanned with
MOBILE SCANNER

миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

### V. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Форс-мажор ҳолатларда, башарти, мажбуриятни ижро этмаслик шартнома тузилганидан кейин рўй берган бартараф этиб бўлмас куч таъсиридаги вазият оқибати бўлса, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик бўйича томонлар жавобгар бўлмайди.

### VI. Бошқа шартлар

6.1. Шартнома юзасидан келишмовчиликлар талабнома юбориш ва музокаралар ўтказиш йўли билан бартараф қилинади. Агарда томонлар келишувга эришмасалар низолар тегишли ҳудуддаги иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

6.2. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6.3. Бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш амалдаги Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича амалга оширилади.

### VII. Шартноманинг амал қилиши ва бекор қилиниши

7.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

### VIII. Томонларнинг реквизитлари

| Аутсорсер | Буюртмачи |
|---|---|
| Х.К «ABDUVALI OTA»<br>АДРЕС: г. Ташкент. Юнусабадская р-н, 19кв, дом 11 Тел: (97) 423-10-07<br>Р/С: 20208000004061420001<br>В : АКБ«TURON BANK» Чилонзор ф-ли<br>МФО: 01084 ИНН:203284977<br>ОКОНХ: 81100 | Юнусобод тумани МТБ<br>Юнусобод________ Тел:________<br>Л/с 400 522 860 262 667 950 100 251 001<br>ИНН 306 145 338 ОКЭД 84112 МФО 00014<br>...ия Вазирлиги Газначилиги<br>...Б ХККМ Тошкент ш.<br>...001 0000 1010<br>... МФО 00014 |
| Корхона рахбари ____________ Умаров.А.В | МТБ мудири ____________ Н.А.Ахмедова |

Scanned with MOBILE SCANNER

22022 йил “05” январдаги
4-сонли шартномага

1-ИЛОВА

**Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини**

**бир кунлик овқатлантириш харажати**

## ҲИСОБ-КИТОБИ

| Т/р | Махсулотларнинг тури | Микдори (грамм)* | | Нархи (сўм) | Суммаси** (сўм) | | Ўртача суммаси** (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1-3 ёшли | 4-7 ёшли | | 1-3 ёшли | 4-7 ёшли | |
| 1 | Витамин ва минераллар билан бойитилган олий ва 1-навли унидан нон махсулотлари | 90,0 | 100,0 | 1 600 | 240 | 267 | 253 |
| 2 | Олий ва 1-навли ун | 25,0 | 30,0 | 3 650 | 91 | 110 | 100 |
| 3 | Крахмал | 3,0 | 3,0 | 17 400 | 52 | 52 | 52 |
| 4 | Ёрмалар дуккакли дон махсулотлари, макарон махсулотлари, шу жумладан, мош-3 гр (нўхат ёрмасм, сули ёрмаси, перловка ёрмаси, гречка) | 35,0/3,0 | 45,0/3,0 | 8 925 | 312 | 402 | 357 |
| 5 | Шакар | 20,0 | 25,0 | 7 800 | 260 | 195 | 228 |
| 6 | Қандолат маҳсулотлари (повидло, джем, мураббо) | 10,0 | 10,0 | 20 400 | 204 | 204 | 204 |
| 7 | Сариёғ (табиий, сигир сутидан олинган) | 15,0 | 20,0 | 45 600 | 684 | 912 | 798 |
| 8 | Ўсимлик мойи | 7,0 | 8,0 | 16 000 | 187 | 128 | 157 |
| 9 | Табиий сигир сути (ёғлилик даражаси 2,5- 3,2%) | 180,0 | 200,0 | 6 300 | 1 134 | 1 260 | 1 197 |
| 10 | Қатиқ, кефир | 100,0 | 100,0 | 7 700 | 770 | 770 | 770 |
| 11 | Сметана (ёғлилик даражаси 15%) | 5,0 | 5,0 | 24 800 | 124 | 124 | 124 |
| 12 | Творог (ёғлилик даражаси 2,5%, 5,0%) | 20,0 | 20,0 | 18 400 | 613 | 368 | 491 |

Scanned with MOBILE SCANNER

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13 | Пишлоқ (шу жумладан қаттиқ турдаги) | 8,0 | 10,0 | 28 200 | 226 | 282 | 254 |
| 14 | I категорияли мол, қўй, парранда, қуён гўшти | 60,0/45,0 | 80,0/60,0 | 68 000 | 4 080 | 5 440 | 4 760 |
| 15 | Балиқ (тозаланган, бошсиз музлатилган) | 20,0 | 20,0 | 30 750 | 615 | 615 | 615 |
| 16 | Тухум (дона) | 0,5 | 0,5 | 1 075 | 538 | 538 | 538 |
| 17 | Картошка | 100,0 | 120,0 | 3 540 | 354 | 425 | 389 |
| 18 | Сабзавотлар (пиёз, лавлаги, сабзи, шолғом, турп, карам, ошқовоқ, булғор қалампири) | 150,0 | 180,0 | 4 125 | 619 | 743 | 681 |
| 19 | Мевалар (банан, олма, беҳи) | 130,0 | 150,0 | 10 814 | 1 406 | 1 622 | 1 514 |
| 20 | Қуруқ мевалар (туршак, майиз, олхўри, наматак) | 10,0 | 10,0 | 28 125 | 281 | 281 | 281 |
| 21 | Чой | 0,3 | 0,3 | 45 600 | 14 | 14 | 14 |
| 22 | Какао | 2,0 | 2,0 | 26 300 | 53 | 53 | 53 |
| 23 | Йодланган ош тузи табиий таъм ростловчилар (зира, кашнич дон) | 4,0 | 5,0 | 18 800 | 75 | 94 | 85 |
| 24 | Хамиртуруш | 1,0 | 1,0 | 23 500 | 24 | 24 | 24 |
| | **Жами** | 1005,8 | 1159,8 | | 12 955 | 14 920 | **13 937** |

*) Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълим ташкилотларида соғлом ва хавфсиз овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган гигиена талаблари амалдаги (СанПиН) бўйича бир нафар бола учун бир кунлик маҳсулотлар меъёри ёзилади.

**) Туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари нархларидан ошмаган ҳолда таклиф этилаётган озиқ-овқат нархлари ёзилади.

Суммаси – маҳсулот миқдорини маҳсулот нархига кўпайтириш орқали аниқланади.

Scanned with
MOBILE SCANNER

Шартномага

2-ИЛОВА

**43,91,97 -сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича шартнома бўйича тўловларни амалга ошириш графиги**

| **Йил ва ой** | **Тўлов миқдори (сўм)** |
|---|---|
| 2022 йил январь | 249 495 862,24 |
| 2022 йил февраль | 249 495 862,24 |
| 2022 йил март | 249 495 862,24 |
| 2022 йил апрель | 249 495 862,24 |
| 2022 йил май | 249 495 862,24 |
| 2022 йил июнь | 249 495 862,24 |
| 2022 йил июль | 249 495 862,24 |
| 2022 йил август | 249 495 862,24 |
| 2022 йил сентябрь | 249 495 862,24 |
| 2022 йил октябрь | 249 495 862,24 |
| 2022 йил ноябрь | 249 495 862,24 |
| 2022 йил декабрь | 249 495 862,24 |
| **Жами** | **2 993 950 346,88** |

Scanned with MOBILE SCANNER

Шартномага
3-ИЛОВА

**43,91,97 -сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида**

**Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш**

| Амалга ошириладиган ишлар | Бажариш муддатлари | Сарфланадиган маблағ (сўм) |
|---|---|---|
| Чўмич, капкир, пичоқ, кастрюлкалар, тахтакач, бидон ва бошқалар | 31,01,2022й | 50 000 000 |
| Ошхона ходимлари униформалари, тозаловчи ва дезинфекцияловчи воситалар | 31,04,2022 й | 60 000 000 |
| Оқлаш, краскалаш, эшик ва деразаларни алмаштириш, кафелларни янгилаш (ошхона ва ёрамчи хоналар) | 31,06,2022й | 70 000 000 |
| Электр плита,Газ плита, Пароконвектомат, Овқат пишириш қозонлари (Котел пишеворичный),Сув қайнатгич, Совутгич(холодильник), Музлатгич(морозильник), Гўшт майдалагич, Қовуриш шкафи(Жарочный шкаф), Электр сковорадаси, Мойка, Шкаф (нон учун), Иш столи (производственный стол), Ювиш ваннаси,Тарози,Стилаж омборхонага. | 31,10,2022й | 122 800 000 |
| **Жами** | | **302 800 000** |

Изоҳ: Амалга оширириладиган ишлар фақат талаб этиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун.

ABDUVALI OTA

Scanned with MOBILE SCANNER

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
TOSHKENT SHAHRI ADLIYA BOSHQARMASI
YUNUSOBOD TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

100039, Yunusobod tumani, Bog'ishamol ko'chasi, 8A-uy,
tel.: (998 97) 325-65-47, el.pochta: yunusobodyurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 08-yanvar

Yunusobod tuman
Maktabgacha ta'lim bo'limi

**Yunusobod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi bilan "ABDUVALI OTA" XK o'rtasida tuzilgan 4-sonli "43,91,97-sonli Maktabgacha ta'lim tashkilotilarida autsorsing usulida sog'lom ovqatlantirishni tashkil etish to'g'risida"gi shartnoma loyihasi yuzasidan o'tkazilgan huquqiy ekspertiza natijasi bo'yicha**

## XULOSA

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi "Davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko'rsatish faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5168-son Qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga muvofiq mazkur shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazilganda quyidagilar

## ANIQLANDI:

Yunusobod tuman Maktabgacha ta'lim bo'lim tomonidan taqdim etilgan shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 25-iyuldadagi "Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida sog'lom ovqatlantirishni tashkil etish tartibi to'g'risi"gi 626-sonli Nizom, Tanlov komissiyaning bayonnomasi asosan taqdim etilgan shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalari

## XULOSA QILINDI:

Yunusobod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi bilan "ABDUVALI OTA" XK o'rtasida tuzilgan 4-sonli "43,91,97-sonli 4-sonli Maktabgacha ta'lim tashkilotida autsorsing usulida sog'lom ovqatlantirishni tashkil etish to'g'risida"gi shartnoma

Scanned with MOBILE SCANNER

...ктрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: F53381143767

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**
**TOSHKENT SHAHRI ADLIYA BOSHQARMASI**
**YUNUSOBOD TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

100039, Yunusobod tumani, Bog'ishamol ko'chasi, 8A-uy,
tel.: (998 97) 325-65-47, el.pochta: yunusobodyurmarkaz@adliya.uz

loyihasi qonun hujjatlari talablariga muvofiq ishlab chiqilganligi, shuningdek qonunchilik texnikasi qoidalari talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

**Yunusobod tuman**
**Yuridik xizmat ko'rsatish**
**Bosh yuristkonsuli** **S.Savriddinov**

Scanned with MOBILE SCANNER

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami - 10-001306

№ 001306

2003 yil "21" avgust

Mazkur guvohnoma firma nomi "ABDUVALI OTA"

bo'lgan yuridik shaxsga Toshkent shahar, Yunusobod tuman Hokimining 2003 yil " 18 " avgust dagi 1780 - sonli qaroriga asosan berildi.

ABDUVALI OTA

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | Xususiy korxonasi | THSH (ОПФ) 1290 |
| Mulkchilik shakli: | Xususiy | MSH (ФС) 115 |
| Pochta manzili: | 19-MAVZE, 11-UY, 65-SONLI DO'KON | MHOBT (СОАТО) 1726266 |
| Yuridik shaxs kodi: | | KTUT (ОКПО) 17706856 |
| Tarmoq kodi: | Oziq-ovqat mahsulotlari chakana savdosi | XXTUT (ОКОНХ) 71264 |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | | STIR (ИНН) 203284977 |

Qo'shimcha ma'lumotlar AVVAL, YUNUSOBOD TUMANI HOKIMINING 2000 YIL 22 MAYDAGI 831-SONLI QARORIGA ASOSAN ROYHATDAN OTKAZILGAN

Vakolatli organ rahbari Uktamov R.U.